**Ш А Р Т Н О М А   № 13**

**07,10.2022 йил**

**"Сохиба Севинч" оилавий корхонаси** бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари **Н.Аллаберганова** фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Ҳазорасп туман хокимлиги** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари **Ў.Машарипов** фаолиятини кўрсатувчи,иккинчи тмондан,куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди .

**1. Шартнома предмети**

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошкарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1. 2.

| № | Махсулот тури | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мактаб формаси ўғил болалар учун | дона | 190 | 329900 | 62681000 |
| Жами: | | | | | 62 681 000 |

**2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (қиймати)**

2.1.Шартноманинг умумий киймати: 62681000 (Олтмиш икки миллион олти юз саксон икки минг) сумни ташкил килади.

**3. Тўлов шартлари**

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган хмахсулот миқдори суммасининг **30%** фоизини олдиндан **10** банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган **70%** фоизи махсулотлар тўлик етказилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури ________________**пул ўтказиш**____________

**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида махсулотлар тўлик «Харидор»га шартномадан 30% тулов тулангандан кейин 10 кун вакт ичида етказиб бериши шарт.

4.2. Шартноманинг амал килиш муддати: **2022 йил " 31 " декабргача** ўз кучида колади.

**5. Тарафлар ҳуқуқлари**

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вактида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга ҳаклидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тўлашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб килишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни кабул килишда асоссиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳаклидир.

**6. Тарафлар мажбуриятлари**

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган махсулот бахосини қайтариб бериш.

**6.2. «Харидор» мажбурияти:**

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни кабул килиш далолатномасини тузган холда ушбу шатрномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб муддатида махсулотни кабул килиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган махсулот келиб тушгани аниклангандан кейин бу хакда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида "Сотувчи" ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

**7. Тарафлар жавобгарлиги**

7.1. Махсулот бериш вактида шартнома бандларига тўлик риоя килмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги кереак.

7.2. «Сотувчи» "Харидор"га махсулотни уз вактида етказиб берилмаган хар куни учун махсулот бахосидан 0,5 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 0,5 % миқдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бажарилмаган мол-мулк уз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 5% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вактида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган хар кун учун маблағ миқдоридан 0.4 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса,агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиккан зарар учун 0,5 % микдорида жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

**8. Форс-мажор холатлари**

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб бўлмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди оркали хал килинади.

**10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

**11. Бошка холатлар**

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Шартнома бюджет маблағлари хисобидан тузилганда Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга эга бўлади.

**12. Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тўлов реквизитлари**

**«Сотувчи»**

| |
|---|
| **"SOHIBA SEVINCH" ОК** |
| Манзили: Истиклол кучаси 12/1уй |
| Тел/факс: 90 726 18 51 |
| х/р: 20208000700519023001 |
| Банк номи: Урганч шахар "МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ Хоразм ф |
| МФО: 00549 |
| ИНН: 303496464 ОКЭД: 14130 |
| |
| |

**«Харидор»**

| |
|---|
| **Ҳазорасп туман ҳокимлиги** |
| Манзили:Э.Гаязов кўча 32 уй |
| Х/Р23402000300100001010 |
| Банк Марказий банк Тошкент шахри |
| МФО 00014 |
| ИНН 200419698 |
| ШХР: 305122860332207109602018001 |
| |
| |

М.Ў. Аллаберганова Н

М.Ў. Ў.Машарипов

Хуқуқшунос: Б.Матяқубов

"SOHIBA - SEVINCH" OILAVIY KORXONASI